Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6-йил чиқиши.
7 МАЙ 1971 й.
ЖУМА
№ 106 (1481).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН—РАДИО КУНИ

Ленин номли Тошкент Давлат университети механика-математика факультетининг ўқитувчиси Азиза Носирова бир неча йиллардан бери Тошкент радиосининг «Ешлик» редакциясида жамоатчилик асосида дикторлик қилмоқда.

СУРАТДА: А. Носирова микрофон олдида текстларни ҳаяжон билан ўқимоқда.

ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА

Бугун

Нина Борисовна Мирошниченконинг «Ташсельмаш» заводи радио узели орқали биринчи эшиттиришни олиб борган кунига ўн йил тўлди. Ана шу даврдан бери бу аёл жамоатчилик асосида завод радиоузелида редакторлик ва дикторлик қилиб келмоқда.

Нина Борисовнанинг ўзи аслида кадрларни тайёрлаш бўйича инженердир. Н. Мирошниченко корхонада 20 йилдан бери меҳнат қилади. Коллектив аъзоларининг ўй-ташвишлари доимо унинг юрагига яқиндир. Ана шунинг учун ҳам, радиоузел орқали бериладиган ҳар бир эшиттиришда завод ишчи-хизматчиларининг меҳнатда эришаётган ютуқлари, шу кўннинг янгиликлари ўз ифодасини топади.

Нина Борисовна ишлаб чиқариш илғорлари, рационализатор ва ихтирочиларнинг радио орқали чиқишларини уюштириб туради.

1 Май арафасида корхона қирқ ёшга тўлганди. Радиоузел орқали завод ветеранлари сўзга чиқишганди. Бугун эса, радио орқали Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, корхона ишчилари А. Татаринцев, И. Силин, Г. Романовалар ўз хотираларини сўзлаб беришади.

Радиожурналистлар ҳикояси

Радио куни муносабати билан В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида радиожурналистлар билан бўлган учрашув ғоятда мароқли бўлди. Бўлажак журналистлар бу кечада «масофасиз газета»нинг ўзига хос сирлари билан танишдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитетининг сўнгги ахборот редакцияси бош редактори Х. Умаров, саноат бўлими катта редактори М. Саидов, маҳаллий эшиттиришлар бўлими катта редактори А. Иеоқов журналистлар маҳорати ҳақида сўзлаб бердилар.

ГРЭСга экскурсия

Куни-кеча шаҳримизни иссиқлик қуввати билан таъмин этувчи «Район қозонхона»лари корхонаси ишчи, инженер-техник ходимларидан бир гуруппаси Ангрен ГРЭСига экскурсияга бориб қайтдилар. Республикамиз энергетикасида катта ўрин тутган Ангрен ГРЭСининг тузилиши, иш услуби, арзон кўмирдан фойдаланиш, янги прогрессив методларни қўллаб ёнилғи ва ўз эҳтиёжлари учун сарф бўладиган электр энергиясини тежаш йўллари, ишлаб чиқарилаётган нур қувватининг таннархини камайтириш йўлида олиб борилаётган ишлар билан танишиш экскурсия қатнашчиларининг асосий мақсади бўлди.

Кўп йиллардан буён ГРЭСда ишлаб келаётган инженер ўртоқ Н. Аносованинг тушунтиришлари экскурсантлар томонидан диққат билан тингланди.

Шаҳар «Район қозонхона»лари корхонаси касаба союз комитети томонидан уюштирилган бу экскурсия ишчи, инженер-техник ходимларда катта таассурот қолдирди.

З. РУСТАМОВ,
инженер.

Китоб—офтоб

ЗИЁ ТАРҚАТУВЧИЛАР

Ленин кўчасида жойлашган «Академкнига» китоб магазини иш бошлаганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Шунга қарамасдан, унинг мухлислари жуда кўп. Бу ер доимо китоб шинавандалари билан гавжум. Олимлар, аспирантлар, студентлар ва бошқа турли хил касб эгалари магазиндан ўзлари қизиққан фан бўйича керакли китобларни харид қиладилар. Зарурий асарларни топишда китоб дўкони хизматчилари уларга яқиндан ёрдам беришади.

Магазин токчалари кун сайин СССР Фанлар академиясига қарашли «Наука» нашриёти ва республика «Фан» нашриёти чиқарган янги китоблар билан бойиб бормоқда.

Бугун

Москвадан янги китоблар билан тўла контейнер олинди. Улар орасида генерал-майор А. Н. Грилевнинг «Днепр, Карпат, Крим» китоби, авторлар коллективи яратган «Ленинград тарихи очерклари» китобининг 6 томи, шунингдек, бир қатор дарсликлар — А. С. Жданов, В. А. Маранжининг «Физика курси», П. Тарасовнинг техникумлар учун «Олий математика курси», В. И. Феодосьевнинг «Материаллар қаршилиги» ва бошқа бир қатор асарлар бор.

Яқинда «Фан» нашриёти чиқарган янги китоблар ҳам «Академкнига» магазинларига тарқатилди. «Ўзбекистонда гражданлар уруши тарихидан» китобининг 11 томи, «Самарқанд тарихи»нинг 11 томи, «Ядро ва назарий физика бўйича тадқиқотлар,» «Ўзбекистоннинг сейсмологияси ва сейсмогеологияси» сингари китоблар шулар жумласидандир.

— Бизга Иттифоқимизнинг турли шаҳарларидан ва чет эллардан илтимосномалар келиб туради, — дейди СССР Фанлар Академияси «Наука» нашриётига қарашли республика «Академкнига» идораси директори Ғ. Ғаниев, — Улар ўзлари учун зарур китобларни юборишимизни сўрашади. Биз иложи борича уларнинг илтимосини қондиришга ҳаракат қиламиз.

Бошқа республикалар билан ўзаро китоб алмашув ҳам яхши йўлга қўйилган. Магазинларимиз ойлик китоб сотиш планларини ошириб бажаришяпти.

Тонгги газеталарда

✦ Иттифоқдош республикалар давлат ҳокимиятининг олий органларига сайлов кампанияси янги муҳим босқичга қадам қўйди. КПССнинг XXIV съезди қарорлари сабабли вужудга келган яқдиллик ва умумхалқ қўтаринкилиги вазиятида 5 майда мамлакатда округ сайлов олди кенгашлари бошланди. Округ сайлов олди кенгашларининг қатнашчилари меҳнаткашларнинг коллективлари томонидан республикалар Олий Советларининг депутатлигига кўрсатилган номзодларни қизғин қувватлашмоқдалар.

✦ Тошкентда меҳмон бўлиб турган бир қанча чет эл мамлакатлари касаба союз делегациялари 5 майда Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг маданият саройида Ўзбекистон пойтахти касаба союз актив-лари билан учрашдилар. Франция, Австрия, Италия, Кипр, Сан-Марино, Люксембург, касаба союз органларининг раҳбар арбоблари ўз нутқларида Совет Иттифоқида бўлган вақтларида олган таассуротларини ўртоқлашдилар.

Дўстлик—қудратли куч

КЎНГИЛ ЯҚИНЛИГИ

Дўстлик масофа билмайди, дейдилар. Ҳақ гап. Кўнгил яқинлигига не етсин!

Тошкент ва Павлодар шаҳарларини бир-биридан неча юзлаб километр масофа ажратиб туради. Лекин, бу икки шаҳар тракторсозлари ўзаро яқин ҳамкорлик ўрнатганлар. Ишчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги эса яхши самаралар беряпти.

Ҳар иккала корхона ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш, дала меҳнаткашларига кўплаб техника воситалари етказиб бериш учун курашиб меҳнатда ажойиб зафарларни қучишяпти.

Яқинда тошкентлик тракторсозлар қозоқ ҳамкасбларидан мактуб олишди. Бу мактубда Павлодар трактор заводи ишчилари беш йилликни қандай бошлаганликлари, ишлаб чиқаришда эришаётган зафарлари, маҳсулот сифатини ошириш ва таннархини камайтириш борасида олиб борилаётган ташкилий-техникавий тадбирлар хусусида ёзишган эди. Ўзбек тракторсозлари дўстларининг тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилида эришаётган муваффақиятларидан хабардор бўлишиб, жуда севинишди ва ўз навбатида ҳамкасбларига жавоб мактуби йўллашди.

Павлодарга жўнатилган мактубда пойтахт тракторсозларининг партия XXIV съезди шарафига олган юксак мажбуриятлари шараф билан адо этилгани, транспорт мақсадларида фойдаланишга мўлжалланган янги трактор ўзлаштирилгани, партия съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун қизитилаётган мусобақа тўғрисида фикр юритилади.

ҚУВВАТ ОШЯПТИ

Сут комбинатида меҳнат унумдорлиги ошиб боряпти. Илгари учта насос бир машина сутни юқори цехларга чиқарарди. Энди эса бу ишни насос бажаряпти. Бундан корхона ойига 600—700 сўм фойда кўрмоқда.

Сут маҳсулотларига талаб комбинат цехларини қайта реконструкция қилишни, янада унумлироқ ишлайдиган машиналарни ўрнатишни тақозо этмоқда. Шунга кўра, соатига олти минг дона шишага қатиқ қуювчи аппарат ўрнатилди. «АВ—1Н» маркали бошқа янги аппарат эса соатига 3600 дона қоғоз пакетга сут қуйиб беради.

Шу йили яна бир қатиқ қуйиш цехи ишга туширилиши муносабати билан қўшимча равишда ўттиз тонна маҳсулот тайёрланади.

ПИЛЛАЧИЛАР УЧУН

Бугун

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг монтаж бошқармаси ходимлари Тошкент область Калинин районидаги Калинин номли колхозда сўкичакларнинг учта тажриба намунасини монтаж қилишга киришдилар.

Маълумки, ипак қуртини боқишда қатор қийинчиликларга дуч келинарди. Колхозчилар уни кўпинча уй шароитида ҳам боқишарди. Ана шу сўкичакларни қўллаш йўли билан ипак қурти боқишдаги сермеҳнат ишга барҳам берилади. Полиэтилен плёнка билан қопланган сўкичакларни ҳар қандай очиқ майдонга ўрнатиш мумкин. Унинг ичида ҳарорат етарли бўлади.

Сўкичакларнинг бу тажриба намуналари Тошкентдаги тажриба-ремонт механика заводида тайёрланди. Уни яратиш таклифи ипакчилик бўйича Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти ходимларида пайдо бўлган эди.

Телефон алоқаси кенгаймоқда

Чилонзор массивининг «Ц» кварталида янги автомат телефон станциясида монтаж ишлари тугалланди. Дастлабки телефон абонентлар ишлай бошлади.

76 рақами билан бошланадиган бу АТСда 5 минг хонадонга алоқа симлари тортилди. Кейинчалик унинг умумий қуввати 7 минг абонентга етади.

Чилонзор район алоқа узелининг бошлиғи Б. К. Мустаевнинг хабар бершича, район аҳолисига яна бир совға ҳозирланди. Москвадан 75 та янги телефон будкалари олинди. Улар шаҳар кўчаларига ўрнатиб бўлинди.

Пиллакашлик фабрикаси ипак ўраш цехининг мастери Баҳор Оллоёров бошчилик қилаётган бригада ишчилари мунтазам равишда смена ва ойлик топшириқларини ортиғи билан сифатли маҳсулот тайёрлайдилар.

СУРАТДА: мастер Б. Оллоёров.

М. Нуриддинов фотоси.

ГДРга—практикага

Энгельс номли чет тиллар педагогика институти студентлари хорижий мамлакатлар тилларини қунт билан ўрганибгина қолмай, практик машғулотларни ҳам кўнгилдагидай ўтказадилар.

Немис тили факультети студентларидан бир гуруппаси шу ойда қардош Германия Демократик Республикасига практикага йўл олади. Партия ташкилотининг секретари И. Саъдуллаев раҳбарлигида студентлар дўст мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида бўлиб, немис халқининг бугунги ҳаёти, маориф, муассасаларидаги таълим-тарбия ишлари билан танишадилар.

Кейинги пайтларда олий ўқув даргоҳининг ўқитувчилари ҳам чет мамлакатларда бўлиб, педагогик билимларини оширмоқдалар. Ўқитувчилардан Ғ. Ҳамроқулов — Жазоирда, М. Абдураззоқов— Францияда, А. Абдураззоқов — Америкада бўлишди.

Ёш архитекторлар кўргазмаси

Шу кунларда «Марказ-1»даги Архитекторлар Союзига қарашли кўргазма залида СССР даги олий архитектура ўқув юртлари битирувчиларининг диплом ишлари намойиш қилинмоқда. Бу диплом ишлари хилма-хил лойиҳалардан иборат. Турар-жой бинолари, театрлар, ресторанлар, истироҳаттоғ ва хиёбонлар, мактаб ва боғчалар лойиҳалари жуда усталик билан, замонавий талабларга мослаб чизилган.

Кўргазмага ўттиз тўққизта лойиҳа қўйилган. Булар Рига, Киев, Москва, Львов, Ереван, Боку, Олмаота, Фрунзе, Душанба, Вильнюс, Минск ва бошқа шаҳарлардаги архитектура олий ўқув юртларининг 1970 йилги битирувчилари чизган ишлардир. Бундан ташқари бу ерда Куба, Венгрия, Болгария, Руминия, Чехословакия, Мўғулистон республикалари олий ўқув юртлари студентларининг айрим лойиҳалари билан ҳам танишиш мумкин.

● *Бизнинг интервью*

Халқимиз фаровонлиги йўлида

Партия ва ҳукуматимиз совет халқининг турмуш даражасини яхшилаш борасида ғамхўрлик қилиб келмоқда. КПСС XXIV съездида ҳам яна шу масалага алоҳида эътибор берилди. Бу А. Н. Косыгининг СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездида қилган докладида ёрқин ифода этилган.

Мухбиримиз Тошкент шаҳар социал таъминоти бўлимининг мудири Мукаввар Ориповага мурожаат қилиб, пенсиялар миқдори оширилиши муносабати билан шаҳар социал таъминоти ходимлари олдида турган вазифаларни гапириб беришни сўради.

— КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети ВЦСПС иштирокида белгиланган программага мувофиқ 1971 йилда ойлик иш ҳақи минимуми 70 сўмга етказилади. Шу йилнинг 1 июлидан бошлаб колхозчилар пенсияларининг минимал миқдорини ошириш ва пенсияларни ҳисоблаб чиқаришнинг ишчилар ва хизматчилар учун белгиланган тартибини колхозчиларга ҳам, жорий этиш кўзда тутилади. Шунингдек, ишчи ва хизматчилар учун қарилик пенсияларининг минимал миқдорлари кўпайтирилади. Ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига берилаётган пенсиялар ҳам оширилади.

Шу муносабат билан, шаҳарда яшовчи Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва боқувчилари урушда ҳалок бўлган оилаларнинг рўйхатини қайта кўриб чиқдик.

Тошкент шаҳар ижроия комитети Улуғ Ватан уруши инвалидларини ва урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларини квартиралар билан таъминлаш, уларнинг уйларини ремонт қилиб беришга ўз вақтида аҳамият беряпти.

Меҳнат ва уруш инвалидларининг кўнгилли дам олишлари учун барча шарт-шароитларни яратилляпти. Ўтган йили 1113 киши республикамизнинг турли курорт ва санаторийларида дам олиб қайтди. Бу йил эса Улуғ Ватан уруши инвалидларидан 158 кишига Кисловодск, Сочи каби курортларга йўлланма берилди.

Улуғ Ватан урушининг 1-группа инвалидларига «Запорожец» автомашинаси ва мото-коляскалар бепул берилляпти. Ана шундай инвалидлардан 25 киши «Запорожец» автомашинаси, 15 киши мото-коляска билан таъминланди. Социал таъминот бўлими яна 140 кишига «Запорожец», 40 кишига мото-коляскани бепул беришни планлаштирди.

Партия ва ҳукуматимиз пенсионерларни ҳамиша ҳурматлаб келмоқда. Боқувчисиз қариялар учун махсус жойлар бор. Тошкентдаги пенсионерлар уйида ҳамма кулайликлар яратилган.

Қорақамиш массивида пенсионерлар учун янги пансионат очилди. Унда 250 ўринли ётоқхона, ошхона бор.

Шунингдек, Улуғ Ватан уруши инвалидларидан 4 минг кишига шаҳар транспортида бепул қатнаш ҳуқуқи берилган. 15 минг киши эса республикамизнинг темирйўл, ҳаво транспортларида нархи 50 процент арзонлаштирилган билетлар билан истаган жойларига бора оладилар.

Энди икки оғиз сўз кўп болалик оналаримиз ҳақида. Шаҳримизда 25 минг кўп болалик она бор. Уларга ҳар йили 2 миллион 700 минг сўм нафақа берилади. Биз уларнинг нафақаларини ҳар уч ойда уйларига почта орқали етказишни режалаштиряпмиз.

РЕВИЗИЯ КОМИССИЯЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

6 майда Тошкентда область, шаҳар ва район партия ташкилотлари ревизия комиссиялари раисларининг, область партия комитетлари ташкилий-партиявий ишлар ва молия-хўжалик бўлимлари мудирларининг республика кенгаши бўлиб ўтди.

Кенгаш КПСС XXIV съезди қарорлари асосида партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг ишларини янада яхшилаш тадбирлари қараб чиқилди. Кенгашда Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг раиси К. Каримов доклад қилди.

Кенгаш ишида КПСС Марказий ревизия комиссиясининг раиси Г. Ф. Сизов қатнашди ва нутқ сўзлади. Кенгаш ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Г. Ломоносов қатнашдилар. [ЎзТАГ].

Футбол

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

Кеча мамлакатимизнинг бир неча шаҳарларида «А» класс олий лига командаларининг футбол бўйича СССР биринчилигининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Тошкентда мусобақа аутсайдерлари — рақиб-лар дарвозасига энг кам тўп киритган команда «Торпедо» (Москва) ва ўз дарвозасидан энг кўп тўп ўтказиб юборган «Пахтакор» командалари учрашдилар. Бу ўйин 0:0 ҳисоби билан тугади.

Киев шаҳрида бўлиб ўтган «Динамо» — «Заря» учрашувида майдон эгалари 1:0 ҳисоби билан ғалаба қозондилар.

Марказий Армия Спорт Клуби футболчилари «Қайрат» командаси билан ўйнаб 3 тўп киритдилар. Лекин бу учрашувда олмаоталиклар 2:1 ҳисоби билан ғалаба қозонишди. Чунки, 2 тўпни армияликлар ўз дарвозаларига киритишган эди (Шестернев ва Истомин).

Шу турдаги қолган учрашувлар қуйидаги натижалар билан тугади: «Спартак» — «Зенит» — 1:1, АСК (Ростов-Дон) — «Динамо» (Тбилиси) — 0:1, «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Москва) —0:0, «Арарат»— «Нефтчи» — 2:1.

Пойтахтимиз меҳмонлари

Жозибали санъат

Куни-кеча Марказий «Юбилей» спорт залида Киев Мюзикхолли-нинг гастроллари бошланди. Рақс, ашула, цирк томошалари, оригинал жанрлардан иборат катта концерт программасида икки юз элликка яқин артист иштирок этмоқда. Улар орасида Москва, Ленинград, Киев, Таллин ва бошқа шаҳарларнинг таниқли эстрада ҳамда цирк усталари бор.

«Днепр тонглари» деб аталган бу концертдаги ранг-баранг номерларни УССР халқ артисти Л. Силаев саҳналаштирган. Бош балетмейстер — УССР да хизмат кўрсатган артист Б. Таиров, саҳна безаклари муаллифи — РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Э. Змойро.

Тошкентлик санъат мухлислари киевлик меҳмонларнинг концертларини зўр қизиқиш билан кўрмоқдалар. Кўплаб номерлар уларнинг олқишига сазовор бўлмоқда. «Запорожьеликлар» саҳнаси, «Гопак» рақси, «Лўлилар рақси», «Қадимий Киев ҳақида қўшиқ», К. Немшилова ва Г. Плохов ижросидаги «Оригинал номер», «Гандзя» я л л а с и, УССР да хизмат кўрсатган артист В. Чеменанинг эстрада қўшиқлари, Ленинград эстрадаси артисти А. Лонгининг интермедиялари шулар жумласидандир. Санъаткорларнинг юксак ижрочилик маҳорати, оригинал қўшиқ ва рақслари томошабинларни мафтун этмоқда.

СУРАТЛАРДА: «Опришки» вокаль-инструментал ансамблининг раҳбари Р. Ишук, Киев оперетта театрининг солисти В. Быков, УССРда хизмат кўрсатган артист В. Чемена-

Н. Меламед расмлари.

ТОШКЕНТ ОВОЗИ ЖАҲОН УЗРА ЯНГРАМОҚДА

7 май—радиоэшиттириш ва телевидение ходимларининг байрамигина бўлмай, шу соҳа билан боғлиқ саноат тармоқлари, алоқачилар, олимлар, ДОСААФчилар, шунингдек, миллионлаб радиоэшитувчилар, телетомошабинлар байрами ҳамдир.

Бу йилги Радио куни ғоят табаррук кунларда—бутун совет халқи яқиндагина ўз ишини тамомлаган КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан илҳомланиб, халқ хўжалигимизни ривожлантириш и к г тўққизинчи беш йиллик планини амалга оширишга бошлаган бир пайтда ўтмоқда.

Умумсовет пропаганда ва агитация аппаратининг ажралмас қисми бўлган радио ва телевидение ходимлари ҳозирги кунимиз билан узвий боғланган мавзуларни янада чуқурроқ таҳлил этишга, совет кишисининг бой ва мураккаб маънавий дунёсини кенгроқ ёритишга, ҳаётий муаммоларни ленинча партиявийлик позициясидан туриб ҳал этишга интилмоқдалар.

Коммунистик партия радио ва телевидение равнақи йўлида ҳар доим ғамхўрлик қилиб келди ва шу билан бир қаторда унинг ходимлари зиммасига янги инсонни —коммунизм қишисини тарбиялаш, унинг руҳий, эстетик дунёсини шакллантиришдек шарафли вазифани юклади.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Марказий Комитет номидан КПСС XXIV съездида қилган ҳисобот докладида бу ҳақда шундай дейилган: «ОММАВИЙ АХБОРОТ ВА ПРОПАГАНДА ВОСИТАЛАРИ — ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, ТЕЛЕВИДЕНИЕ, РАДИО, ИНФОРМАЦИЯ АГЕНТЛИКЛАРИ ЯНГИ ИНСОНИ КАМОЛ ТОПТИРИШДАН ИБОРАТ КАТТА ВА МУРАККАБ ИШДА, КАПИТАЛИЗМ ДУНЁСИГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИДЕОЛОГИЯ КУРАШИДА

Х. Р. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радио эшиттириш Давлат Комитети раисининг ўринбосари.

ПАРТИЯНИНГ ҚУДРАТЛИ ҚУРОЛИДИР».

Партиямиз томонидан матбуот билан бир қаторда радио ва телевидениега берилган бу юксак баҳо ва аниқ йўлланма айни вақтда ўзбекистонлик радио ва тележурналистлар фаолиятига ҳам тааллуқлидир.

Партиямизнинг XXIV съезди Директивалари республикамизда қилинажак ишларнинг кўлами нақадар кенг эканлигини яққол кўз олдимизга келтирди. Олмалиқ, Бекобод, Самарқанд, Бухоро, Навоийда барпо этилажак улкан корхоналар, мислсиз Сирдарё ГРЭСи Қарши, Сурхон чўлларини ипак воҳага айлантириш ва шулар каби ўнлаб гигант қурилишлар—радио ва телевидение ходимлари учун илҳом манбаи бўлиб қолажак. Бу хил улуғвор ишларни амалга ошираётганларнинг метин иродаси, коммунист ва комсомолларнингташаббускорлиги, ишчилар синфининг жасорати, деҳқон, боғбон, чорвадор ва зиёлиларнинг фидокорлигини тараннум этиш билан бирга Ўзбекистон радиожурналистлари зиммасига яна бир улкан ва шарафли вазифа топширилганки, қуйида биз ана шу тўғрида сиз муҳтарам газетхонларга ахборот бермоқчимиз.

«БИЗ ИМПЕРИАЛИСТИК ПРОПАГАНДА ЭНГ МАККОРОНА УСУЛЛАРДАН ВА ҚУДРАТЛИ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ. БИЗНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ҚАРШИ, СОЦИАЛИЗМ ДУНЁСИГА ҚАРШИ ТЎХТОВСИЗ ИДЕОЛОГИЯ УРУШИ ОЛИБ БОРАЁТГАН ШАРОИТДА ЯШАМОҚДАМИЗ», — деб айтди Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездига қилган докладида.

Дарҳақиқат, ҳозир буржуа мамлакатларидаги радио тўлқинлари мамлакатимизнинг, қардош социализм мамлакатларининг ҳаёти ҳақидаги буржуазия корчалонларининг ҳар хил уйдирма гаплари билан тўлдириб юборилган.

Партиямиз ўзининг XXIV съездида пропаганда, оммавий агитация фронтидаги ходимлар олдига ана шу идеологик бўхтонларга ўз вақтида кескин ва самарали зарба бериш, юз миллионларча кишиларга социалистик жамият ҳақидаги, совет турмуши қиёфаси ҳақидаги, мамлакатимизда коммунизм қурилишдаги улкан муваффақиятларимизни ҳикоя қилиб беришдек юксак вазифа юклади.

Шу кунларда Тошкентдан ҳар куни 7 тилда ҳорижий мамлакатлар учун эшиттиришлар бериб борилмоқда. Биз бу эшиттиришларимизда Совет ҳокимияти йилларида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари иқтисод, фан, маданият, техника соҳасида эришган ютуқлар, совет кишисининг маънавий бойлиги ва ватанпарварлиги, тинчлик учун, коммунизм жамияти қуриш учун кураши ҳақида ҳикоя қилишда журналистиканинг барча жанрларидан фойдаланмоқдамиз. Биз бу вазифаларни амалга оширишда ишчилар ва деҳқонлар синфининг илғор намояндалари, зиёлилар, партия ва совет аппаратларининг фаоллари кўмагига суянганмиз. Узоқ йиллар ишлаш натижасида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети телевидение ва радиоэшиттириш Давлат Комитетининг чет элларга радиоэшиттириш бош бошқармасида А. Баратов, Ҳ. Йўлдошбоев, А. Филиппова, Р. Зборовская, А. Давронов каби ўнлаб журналист—мутахассислар етишиб чиқдиларки, уларнинг қаламидан чиққан тафсилотлар, суҳбатлар, радиоочерклар, лавҳалар минг-минглаб ҳориждаги радиоэшитувчиларга маъқул ва манзур бўлаётир. Бу ҳақда ер куррасининг ҳамма жойидан ҳар куни ўнлаб мактублар олиб турибмиз. Биз қуйида ана шу мактублардан намуналар келтирмоқчимиз:

«Тошкентдан урду тилида бериладиган эшиттиришни мен мунтазам равишда тинглайман. Менга айниқса, ахборотларингиз ва Тошкент ҳақидаги эшиттиришларингиз ғ и з ёқади». (Шамим Аҳмад. ҲИНДИСТОН).

«Тошкент радиосидан бериладиган тафсилотлар ғоят мароқли. Улар қисқа ва маъноли. Фактлар ва воқеалар таҳлили содда ва тушунарли, ҳамда объективдир». (Дональд Родес, МЕЛЬБУРН, АВСТРАЛИЯ).

Мактублардан бу хил парчаларни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Яқинда бир гуруҳ ўзбекистонлик саёҳатчилар билан Афғонистон ва Ҳиндистонда бўлганимизда Тошкент радиосининг шинавандалари билан кўп жойларда учрашдик. Учрашувлар вақтида ҳорижий радиоэшитувчилар Тошкент радиоси эшиттиришлар и д а н маънавий озуқ олаётганликлари, совет халқлари ҳаётидан, Коммунистик партиямиз, Совет ҳукуматининг тинчликсевар ташқи сиёсатидан, социалистик мамлакатлардаги эркин турмушдан бохабар бўлаётганликлари тўғрисида шавқ-завқ билан сўзлаб бердилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида қилган докладида: **«Совет Иттифоқи ҳақидаги ҳақиқат овози ер юзининг ҳамма қитъаларида янграб туриши лозим»**,— деб айтган эди.

Тошкент радиоси партия юклаган бу масъулиятли ва ғоят муҳим вазифани бажарувчи совет ташқи сиёсий пропагандасининг отрядларидан бири сифатида ўз фаолиятини муваффақият билан давом эттирмоқда.

Магнит плёнкасига оромбахш қўшиқларни, дилрабо куйларни моҳирлик билан тушириш овоз операторининг маҳоратига боғлиқ.

СУРАТДА: Тошкент радио уйининг оператори Ф. Абдуллаева санъаткорларнинг қўшиқларини плёнкага ёзиб олмоқда.

Тошкент телевизион марказида бош муҳандис Абдужалил Тўлагановнинг номини ҳурмат билан тилга олишади. У телевидение техникасининг сирларини беш қўлдек билади.

СУРАТДА: А. Тўлаганов яқинда нишга туширилади-ган рангли эшиттиришларнинг кўчма телевизион станциясини созламоқда.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотолари.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ШАХДАМ ҚАДАМЛАР БИЛАН

Ўтган беш йилликда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ва аҳолига сотиш бир мунча кўпайди. Лекин, шу билан бир қаторда, кўпгина ишлаб чиқариш турлари бугунги кунда халқ истеъмоли талабларидан орқада қолаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу таъна енгил саноат корхоналари ишчилари билан бир қаторда, биз маҳаллий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган коллективларга ҳам тегишлидир.

Шу муносабат билан, мен корхонамиз иши ҳақида гапирмоқчи эдим.

Октябрь 50 йиллиги номидаги Сергели тикувчилик фабрикасининг меҳнат аҳли йил бошидан бери меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасида бир мунча ютуқларга эришди. Биринчи квартал топшириғи барча кўрсаткичлар бўйича муддатидан илгари 15 мартда адо этилди. Пландан ташқари, юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан олинган мажбурият ҳам муваффақиятли бажарилди.

КПСС XXIV съезди Директиваларида саноат бўйича беш йил мобайнида меҳнат унумдорлигини 36—40 процент оширишни таъминлаш вазифаси кўрсатиб ўтилган.

Коллективимиз аъзолари меҳнат унумдорлигини ошириш, уни мавжуд майдонлар, жиҳозлар ва ишчилар миқдорини кўпайтирмасдан туриб эришиш вазифасини ўз олдига қўйган. Жумладан, йил бошидан биз ишлаб чиқаришнинг бирқанча технологик жараёнларини ўзгартирдик. Меҳнатни тақсимлашнинг янада унумли ва қулай схемасини ишлаб чиқдик. Агар эски схема бўйича илгари меҳнат тақсимотида эркаклар шимини тикишда 76 кишининг қатнашиши кўзда тутилган бўлса, эндиликда, бу рақам 38 ни ташкил этади. Кўп меҳнат талаб қиладиган операцияларда механизациядан кенг фойдаланилмоқда. Фабрикамиздаги ишлар меҳнатни илмий асосда ташкил этиш талаблари асосида уюштирилган. Оқибат натижада, маҳсулот ишлаб чиқариш 15—17 процентга ошди.

Ишлаб чиқаришга меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив методларининг жорий этилиши, бригада ва цехлар ўртасида уюштирилган социалистик мусобақалар фабрикамиз фаолиятида яхши самаралар берди. Фабрика касаба союз комитетининг қарорига кўра ишлаб чиқариш планларининг бажарилишидан ташқари, конкурс ҳам уюштирилди. Бу конкурс маҳсулот сифати ва тайёр маҳсулотларнинг энг яхши кўрсаткичларига эришишга бағишланган эди. Бу тадбирлар яхши самаралар бера бошлади. Конкурсдан кўзда тутилган мақсад ишчи жойининг намунали бўлиши, меҳнат эстетикасини жорий этиш, цехлар ва бўлимларда ички резервлардан самарали фойдаланиш, бириктириб қўйилган участкада ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини яхшилаш эди.

Юқоридаги тадбирларни ўтказишда фабрика жамоатчилиги, корхонанинг барча ишчилари якдиллик билан қатнашишди. Эндиликда ҳар кварталда қилинган ишларга якун ясалиб, социалистик мусобақа ва конкурснинг ғолибларига кўчма Қизил байроқ, пул мукофотлари, мақтов ёрлиқлари топширилади.

> ✦ ПАРТИЯ ПЛАНИ — БИЗНИНГ ПЛАНИМИЗ
>
> ✦ АҲОЛИГА КЎПЛАБ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ
>
> ✦ МАҲСУЛОТ СИФАТИГА — АСОСИЙ ЭЪТИБОР
>
> ✦ ИШЧИЛАР ТАШАББУСКОРЛИГИ
>
> ✦ ТЕЖАМКОРЛИК — БОШ МЕЗОН

Шу нарсани қайд қилиш керакки, социалистик мусобақалар ишлаб чиқариш топшириқларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлабгина қолмай, у ишлаб чиқаришга кўпгина янгиликларни жорий этиш, ишчиларнинг ташаббускорлигини ошириш имконини ҳам бермоқда.

Коллективимизнинг янги беш йилликдаги одими янада шахдам бўлади. Агар саккизинчи беш йилликнинг охирига келиб, маҳсулот ишлаб чиқариш плани 2 миллион 400 минг сўмни ташкил этган бўлса, тўққизинчи беш йилликда бу рақам 4,5 миллион сўмга етади. Демак, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллион 100 минг сўмга ошади.

Техник ва технологик ҳисоб-китоблар коллективимиз аъзоларининг пландан ташқари бир миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган 4,5 миллион ўрнига 5,5 миллион маҳсулот реализация қилиш имконига эга эканлигини кўрсатиб турибди.

Фабрикамизда хом ашё материалларидан тежаб-тергаб фойдаланишга катта эътибор берилянти. Ишчиларимизнинг ҳаммаси барака тежамда эканлигини яхши тушунишади. Ҳар бир сантиметр шерсть газламаларини тежаб қолишдан катта фойда кўриляпти. Шу туфайли, биргина ўтган йилнинг ўзидаёқ, пландан ташқари 3 мингта эркаклар ва тўққиз мингта болалар шими тайёрланди ҳамда реализация қилинди.

Ташкилий-техникавий тадбирлар планида 1971 йилда механика устахонасини ишга тушириш кўзда тутилган. Бу нарса фабрика механика хизмати ишини нормаллаштиради, у янги техника ва илғор технологияни жорий этишга қулай шароит яратади. Бундан ташқари, фабрикада марказий омбор ҳам ишга туширилади. Ана шу участкада керакли тартиб ўрнатилади.

Партия XXIV съезди Директиваларини бажара бориб, биз катта ҳажмда маданий-маиший ишларни амалга ошириш, фабрика территориясини кўкаламзорлаштириш бўйича ҳам қатор вазифаларни бажармоқчимиз. Бу тадбирларнинг ҳаммаси ишчиларимизга яхши ишшароитини яратади. Бу эса меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини беради.

Фабрикамиз территорияси ям-яшил либосга бурканган. 300 тупдан ортиқ ток қаламчалари, 200 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, анвойи гуллар ўтқазилди. Яиги беш йилликда корхона территориясини ажойиб бир гулбогга айлантирмоқчимиз.

Фабрикамиз чеварлари партия XXIV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш учун курашиб бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар.

Тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йилидаги режаларимиз жуда катта. Биз халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтираверамиз. 1971 йил планини 1 декабргача адо этиш, планга қўшимча уч юз минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш иштиёқидамиз.

Ш. ҒУЛОМОВ,
Октябрь 50 йиллиги номидаги Сергели тикувчилик фабрикасининг директори.

Барҳаёт ғоялар тарғиботчиси

Республика ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар бош редакцияси журналистлари томонидан ҳар куни турли мавзуларда эшиттиришлар тайёрланади. Ҳаётнинг ҳамма томонларини қамраб олиш қийин, албатта. Лекин шундай темалар борки, уларсиз радио эшиттиришларининг таъсирчанлиги бўлмайди. Шунинг учун ҳам шу кун воқеаси, темаси редакция ходимлари учун энг муҳим мавзу бўлиб қолган. Бирор бир муҳим сана, унутилмас воқеа йўқки, редакция ходимлари эсдан чиқарган бўлсинлар.

Масалан, Совет ҳокимиятининг ярим асрлик тўйига тайёргарлик кўрилаётган пайтда, редакция радио журналистлари «Октябрь» радиостанциясини ташкил этдилар. Бу радиостанция эшиттиришларида Совет ҳукуматини тузиш ва мустаҳкамлашда жонбозлик кўрсатган революционерлар, таниқли Партия ва Совет арбоблари фаолияти ҳақида ҳикоялар бериб борилди. Октябрь байроғи остида ўзбек халқи капитализмни четлаб, социалистик жамият қурди. Бу оламшумул тарихий воқеа «Октябрь» радиостанциясининг эшиттиришларида ўз ифодасини топди.

Редакция коллективи партиянинг ҳаётбахш қарорларини, доҳиймиз Владимир Ильич Ленининг ўлмас ва бебаҳо таълимотини меҳнаткашлар оммасига етказишда, совет кишиларини коммунистик онглилик руҳида гарбиялашда катта ижодий изланиш олиб бормоқда. Айниқса, жаҳонда биринчи социалистик давлат асосчиси, пролетариатнинг буюк йўлбошчиси ва доҳийси Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг юз йиллиги олдидан редакция журналистлари бу борада бошқаларга ўрнак бўлдилар. Улуғ Ленининг башарият тарихидаги буюк роли ва хизматларини, унинг революцион фаолиятини, ленинизм совет халқи ва бутун дунё тараққийпарвар ишларининг порлоқ йўлини мунаввар этувчи муқаддас таълимот эканлигини миллионлар қалбига етказиш осон эмас. Ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар редакциясининг ходимлари ана шундай масъулиятли ва мўътабар ишга кўл урдилар. Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, улар бу ишни шараф билан уддалаяптилар.

Партия доҳийнинг юз йиллик тўйини нишонлашга тараддуд кўришда асосий эътиборни ҳали ҳал қилинмаган масалаларга қаратиш керак, деб таълим берган эди. Редакция коллективи Ильич ғояларининг республикамизда тарқиб топиши ҳақида ҳикоя қилинган, ҳар бир эшиттиришда саноат корхоналари, транспорт, қурилиш, колхоз ва совхоз коллективларининг меҳнат зафарлари ҳақида доимо радиотингловчиларга ҳикоя қилиб бердилар. «Ленин номи билан», «Доимо барҳаёт», «Ленинча миллий сиёсатнинг Ўзбекистонда тантана қилиши» туркумидаги, «Ленинномa» программасининг ҳар бир эшиттириши коммунистик ғоялар билан суғорилганлиги билан характерлидир.

Ленин темаси Ўзбекистон радиоси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар редакциясининг асосий мавзуси бўлиб қолди. Шу кунларда редакция ходимлари тингловчиларга КПСС XXIV съезди қарорларини тушунтирар эканлар, дастлаб Ильичга мурожаат қилмоқдалар. Доҳийнинг барҳаёт таълимотини тарғиб қилишда редакциянинг бош муҳаррири Назир Тожибоев, редакторлар Барно Ражабов, Саидмурод Тиллахўжаевлар доимо изланишда бўлиб, радио эшиттиришларининг турли форматларидан фойдаланмоқдалар. Биз, бугун — радио кунида коммунистик ғояларнинг пропагандистларини байрамлари билан қизғин табриклаймиз, ишларида катта муваффақиятлар тилаймиз.

Х. ТЎРАЕВ.

«Подъёмник» заводининг машинасозлари кўпгина қардош социалистик ҳамда мустақил тараққиёт йўлига ўтган мамлакатлар учун турли хил кўтарма механизмлар етказиб бермоқда. Ҳозир экспорт участкасининг машинасозлари Куба ва Эрон буюртмаларини тайёрламоқдалар.

СУРАТДА: (чапдан ўнгга) пешқадам слесарлардан монтажчи А. Комаров ва мастер Г. Ғафуров ўн тонна юк кўтарувчи кўтарма кранни монтаж қилишмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

* *Илғор маҳаллалар*

ШАҲРИСТОН ОҚШОМЛАРИ

Шаҳристон кўчаси бўйлаб бораяпмиз. Кенг ва озода кўча. Мана, ўнг томонда кўп қаватли, чиройли замонавий услубда қурилган бино.

—Бу кошона — 63-мактаб. Бир ярим минг ўғил-қизларимиз таълим олаётган даргоҳ,—деди маҳалла комитетининг раиси Назир ака Назаров.

Маҳалла марказида жойлашган чойхонага етиб келдик. Одамлар гавжум. Маҳалла активлари, халқ университетининг тингловчилари йиғилишган экан. Халқ университетининг ишлари билан таништик.

Бу ерда Ўзбекистон Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институти ташаббуси билан икки йиллик ахлоқ ва одоб университети ташкил қилинган. Халқ университетида қилинадиган ишларга институт томонидан тайинланган, фалсафа фанлари кандидати ўртоқ Ҳ. Шайхова раҳбарлик қилади. Университетда доимий тингловчилар сони ҳозир 127 тага етди.

Фалсафа фанлари кандидатлари Т. Сиддиқов, Ҳ. Шайхованинг «Бурч тушунчаси ва инсоннинг ахлоқий камолоти», «Коммунистик ахлоқнинг моҳияти ва унинг меҳнаткашларни тарбиялашдаги роли», илмий ходим У. Жалоловнинг «Ижтимоий ва шахсий ҳаётда ростгўйлик ва ҳалоллик» темаларида ўтказган машғулотлари қизиқарли бўлди.

«Совет кишисининг юксак ахлоқий фазилати» темасида ўтказиладиган машғулотни тинглашга келган кишилар залга сиғмай қолди. Кечада қизиқарли лекцияни фалсафа фанлари кандидати Ҳ. Маннонова ўқиди. Лекциядан сўнг савол-жавоб бошланиб кетди.

Кеча охирида хушовоз қўшиқчи Малоҳат Дадабоева раҳбар бир гуруҳ санъаткорларнинг концерти бўлди.

Халқ университети иш планини нўздан кечирдик. Машғулотларда фалсафа фанлари кандидатлари Ю. Жумабоев, О. Умрзоқова, М. Усмонов, Н. Саидов «Бахт нима?», «Коллективизм ва ўзаро ёрдам коммунистик ахлоқнинг муҳим принциплариданбиридир», «Оила ва турмушнинг ахлоқий асослари» каби ўнлаб темаларда суҳбат ва лекциялар ўтказадилар.

Шунингдек В. И. Ленин Марказий музейи филиалига экскурсия уюштириш ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари билан учрашув ўтказиш ҳам планда бор. Учрашув ва машғулотлардан кейин маҳалла аҳолиси учун концерт ёки кинофильмлар кўрсатилиб турилади.

Маҳалла активлари Собир Ҳидоятов, Усмонхўжа Турсунхўжаев, Маҳкам Ғиёсов, Хатира Ҳидоятова, Ойдин Саидова, Рамз Оқилов, Абдували Мирзаахмедов, Аҳмаджон Худойбергановлар бу каби ташкилий ишларни уюштириш да активлик ва фаоллик кўрсатмоқдалар.

Айниқса, трикотаж фабрикасининг ишчиси, маҳалла хотин-қизлар советининг раиси Маҳфуза Мирзаахмедова олиб бораётган ишлар мақтовга сазовор. Маҳаллада баҳорги, кўкаламзорлаштириш ишлари, шанбаликларга ҳамма қатнашди.

Ҳозир эса 63-мактаб педагоглари билан биргаликда сайловга тайёргарлик ишлари қизғин юборилган.

Биз бу ердан қайтар эканмиз, оқшом оғушидаги Шаҳристон кўчасига тикилиб, Карл Маркс номли маҳалла шаҳримизнинг энг намунали даҳаларидан бири экан, лигига ишонч ҳосил қилдик.

И. УСМОНОВ.

ХЎРАНДАЛАР ИЗЗАТИ

Ҳамза район ошхоналар трести шаҳардаги энг илғор ва ташаббускор трестлардан бири.

Самолётсозлар шаҳарчасида шу трестга қарашли янги «Кулинария» магазини ишга тушди.

Магазинда харидорларга қулайлик яратилган. Улар бу ерда бир-икки стакан қайноқ кофе ичиб, ҳордиқ чиқаришлари ҳам мумкин.

Қорасувдаги ошхона қайта реконструкция қилинмоқда. Ошхона ёнида эса замонавий чойхона ҳам қурилмоқда. 7-ошхона коллективининг маиший хизмати Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида намойиш қилинади. Мазкур ошхона коллективи «Ташсельмаш» заводи ишчиларига кўрсатаётган хизматлари учун шундай шарафга муяссар бўлди.

Тошкент оқшоми да босилгандан кейин

«Қорақамиш ўгай эмас»

Газетамизнинг шу йил 12 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада массивдаги нуқсонлар танқид қилинган эди. Жумладан, у ерда 2-микрорайондаги айрим уйларда қурилиш-монтаж ишлари кўнгилдагидай бажарилмагани, 26, 27, 28, 29, 30 ва 31-уйларда том яхши ёпилмагани оқибатида чакка ўтгани танқид қилинган эди. Кўрсатилган уйлардаги нуқсонни бартараф этиш учун махсус график тузилди ва у май ойи мобайнида амалга оширилади. Шунингдек, мақолада 2-микрорайон ёмон ёритилаётгани кўрсатилган эди. Бу масалага ҳам алоҳида эътибор берилди, махсус тузилган комиссия электрузатгич линиясини муддатидан олдин фойдаланишга топшириш чораларини кўрмоқда.

Сўнгра мақолада кечки пайтларда массив аҳолисининг осойишталигини сақлаш борасида дурустиш олиб борилмаётгани ҳам кўрсатилган эди. Жамоат тартибини бузувчиларга қарши кўраш масала, си икки марта муҳокама этилди ва унда милиция ходимларидан ташқари турар-жойдан фойдаланиш идоралари, уй бошқармалари ҳамда квартал комитетларининг вакилари қатнашдилар. Корхона ва ташкилотлар, муассасаларнинг навбатчилик қилиши учун махсус жадваллар тузилди. Эндиликда ҳар куни кечқурун массивда юз эллик-икки юз кишн навбатчилик қилиб,аҳоли тинчлигини қўриқламоқда.

Булардан ташқари Собир Раҳимов район ижрония комитети массив аҳолисига алоқа, транспорт хизматини яхшилаш, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш юзасидан қатор тадбирлар белгилаб чиқди.

Шарқий Покистондаги аҳвол

РАВАЛПИНДИ. Покистон радиоси қуйидагиларни маълум қилди: ҳукумат қўшинлари чегара бўйидаги Рамгарх шаҳрини эгаллаб олди ва Шарқий Покистоннинг ҳамма районларини ўз назорати остида ушлаб турибди, деса бўлади.

Радионинг хабарида яна айтиладики, Ҳиндистоннинг қуролли ходимлари, Шарқий Покистон территориясини бузганликлари сабабли Покистон Ҳиндистонга норозилик билдирди. Ҳиндистоннинг Исломободдаги олий комиссарига топширилган нотада, кейинги ҳафтада Динажпур ва Жессор округларида, «Шарқий Покистоннинг ғарби-шимолий секторларида уч марта мана шундай бузишлар содир бўлди» дейилади.

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ахборот бошқармаси ҳинд расмий доираларининг маълумотларига асосланиб берган хабарида айтилишича, Покистон ҳарбий-ҳаво кучларининг самолётлари Ҳиндистоннинг осмон чегарасини бузишни давом эттирмоқда ва Покистон армияси Ҳиндистоннинг чегарадош районларини тўпга тутмоқда.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ТОВУШСИЗ ТРАМВАЙ

БУХАРЕСТ. (АПН махсус мухбири). Меҳнаткаш трамвай ҳозир ҳам дунёдаги кўпгина мамлакатлар шаҳарлари аҳолисининг муҳаббатини қозониб келмоқда. Лекин унинг фақат бир нуқсони бор: ҳаракат пайтда кўп шовқин ҳосил қилади. Крайовдаги «Электропутере» заводи конструкторлари уч юз пассажирни олиб юрадиган улама трамвай яратдилар. Янги поезд ҳаракат давомида ҳеч қандай шовқин ҳосил қилмайди.

Ҳозир янги трамвай намунаси синовдан ўтяпти. Тез вақт ичида унинг дастлабкилари Руминия пойтахти кўчаларида қатнай бошлайди.

Ф. АНГЕЛИ.

БУГУНГИ БОЛГАРИЯ

Старо Загора шаҳридаги опера театрининг янги биноси.

БТА—ТАСС фотоси.



Пул тобора қадрсизланмоқда

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг КПСС XXIV съездига қилган ҳисобот докладида Л. И. Брежнев ҳозирги замон капитализмининг хусусиятлари тўғрисида гапириб, чуночи капитал мамлакатларида пул қадрсизланишининг ўсиши доимий ҳодиса бўлиб қолганлигини қайд қилиб ўтган эди.

1971 йилнинг биринчи кварталида экономиканинг аҳволи ҳақида яқинда Норвегия Марказий статистика бюроси [МСБ] эълон қилган обзорда бу сўзлар Норвегияга нисбатан татбиқ этилганда нақадар адолатли сўзлар эканлигини ёрқин тасдиқлайдиган маълумотлар оз эмас. МСБ обзорида шу йил март ойида чакана нархлар даражаси янада тезлик билан ўсишда давом этгани эътироф қилинади: у ўтган ойда февраль ойидагига нисбатан уч баравар тезроқ ошди, ҳар хил хизматлар кўрсатиш нархи кескин кўтарилди, март ойида унинг ўртача нархи декабрь ойидаги даражадан 13 процент баланд бўлди. Норвегия ташқи савдо баланси январь-февраль ойларида илгаригидек манфий бўлиб, унинг зарари ўтган йилнинг шу ойларидаги 105 миллион крон ўрнига 415 миллион крон ни ташкил этди. Норвегиянинг олтин ва валюта запаси шу икки ой мобайнида 324 миллион кронга камайди.

Бортеннинг собиқ буржуазия ҳукумати пул қадрсизланишининг ўсишини тўхтатиб қолиш учун уриниб, турли шартлар билан нархларни бир ҳолда сақлаб туриш ҳақида қарор қабул қилди. Нархлар бир ҳолда сақланганига қарамай, бу шартлар натижасида Норвегияда қимматчилик касаба союзлари билан корхона эгалари ўртасида тузилган шартнома шартларига мувофиқ иш ҳақлари автоматик равишда тартибга солиниши зарур бўладиган даражага етди. Ишчиларга ойига... 0,59 крон миқдорида қўшимча ҳақ бердилар. Таққослаб қўриш учун ҳозир Норвегияда бир қути сигарета салкам олти крон туришини кўрсатиб ўтаман...

Бу масалада Норвегия ҳукмрон ишчилар партиясининг органи бўлган «Арбейдербладет» газетасининг тутган йўли характерлидир. Бу партия оппозицияда турган вақтида социал-демократлар органи буржуазия ҳукуматининг нархларни бир ҳолда тутиш ҳақидаги қарорни «етарли ва фойдали эмас» деб ёзди. Ҳозир эса худди шу газета: «Кўпчилик корхоналар нархларни оширмай туриб ўсиб бораётган харажатлар оғирлигини кўтариб боролмайди»деб ёзмоқда. «Норвегия экономикаси, —деб ёзади «Арбейдербладет», — илгаригидек кучли сиқиқ остида турибди, бу эса шубҳасиз, яқин келажакда нархларнинг ошишига олиб келади».

Расмий статистика ҳамда Норвегия ҳукуматининг матбуот томонидан тасвирланган истиқболлари меҳнаткашларга кам тасалли беради — пулнинг қадрсизланиши ва ишчилар синфининг нисбатан қашшоқланиши жараёни давом этади. Ваҳоланки, Норвегия, банклари ва концернларининг бошқармалари томонидан эълон қилинаётган йиллик ҳисоботлар молия-саноат олигархиясининг темир сандиқларида янада кўпроқ капитал жамғарилаётганидан даполат бериб турибди.

К. ВЕСЕНБЕРГ,
АПН мухбири.
Осло.

ТАШҚИ САВДО КЕНГАЙМОҚДА

БУДАПЕШТ. Ҳафталик «Орсанг— вилаг» газетасида эълон қилинган мақолада айтиладики, Совет Иттифоқи билан қилинаётган кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлик Венгрия экономикасининг тез ривожланишига асос бўлмоқда. Венгрия ташқи савдо оборотининг учдан бир қисмидан кўпроғи Совет Иттифоқи билан бўлмоқда, дейилади, мақолада. Венгрия, четдан сотиб олаётган нефтнинг 100 процентини, темир руданинг 95 процентини, никелнинг 10 процентини ва қалайининг 83 процентини Совет Иттифоқи етказиб бермоқда. Айни вақтда Венгрия чет мамлакатларга сотаётган жамики саноат маҳсулотининг ярмисини Совет Иттифоқига етказиб бермоқда.

Эндиги беш йил ичида, дейилади мақоланинг охирида, бу икки мамлакат ўртасидаги товар оборати бундан олдинги беш йилликдагига нисбатан 60 процент кўпаяди. (ТАСС).



Германия Демократия Республикаси. Берлинда В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал.
П. Рустамов фотоси.

Римнинг меҳнат колонналари

Колонналар Бранкаччо театрига томон икки томондан келишар ва кўҳна бинонинг тор подъездига бу икки оқимнинг қандай қилиб сиғишиб кираётгани галати туюларди. Меҳнаткаш Рим, иш ташлаган Рим мамлакатнинг уч катта касаба союзи томонидан чақирилган митингга тўпланаётганди. 7 апрелда, умуммиллат иш ташлаш куни ҳаво очиқ эди, бундай кунлар камдан-кам учрайди. Ана шу сабабли намойиш чиройли кўринишга эга, ҳатто байрам кунларидагидек деярли эди. Аммо иш ташлаш Италияда байрам эмас. У халқнинг ўз яхшироқ ва адолатлироқ турмуши учун олиб бораётган оғир курашининг энг юқори нуқтаси ҳисобланади.

...Плакатлар одамлар оммаси узра сузиб борар ва олисдан кўзга ташланарди. Шиорлар осмонранг ва қизил матоларга, картон бўлакларига аниқ чиройли ҳарфлар билан: «Италия умумий меҳнат иттифоқи, Италия меҳнаткашлар касаба союзи, иттифоқи, Италия меҳнат союзи социал ислоҳотлар учун курашда бирдам» деб ёзилганди.

Италия умумий меҳнат иттифоқи — сўл, демократик кучлар касаба союзидир. Италия меҳнаткашлар касаба союзи иттифоқи — католиклар йўналишидаги ташкилот, Италия меҳнат союзи эса — социал-демократлар касаба союзи ҳисобланади. Ҳали бундан ўн йил илгаригина бу уч иттифоқ вакилларининг ягона шиор, ягона талаблар билан кўчага чиқишини тасаввур қилиб бўлмасди. Ҳозир эса бу Италия касаба союзлари ҳаётининг қоидаси бўлиб қолди. Бу уларнинг жанговар қудратини икки баравар ошириб юборди.

«Ислоҳот!, Ислоҳот! Ислоҳот!» Бу сўзлар намойишчилар кўтарган шиорларда тезтез кўзга ташланади. Бу сўзларнинг уч марта такрорланиши бежиз эмас. 7 апрелдаги иш ташлашнинг асосий шиори уй-жой қурилиши, согликни сақлаш ва солиқ системасида ислоҳотлар ўтказилишини талаб этишдан иборат эди.

«Турар жой чайковчилари яксон қилинсин!» деб ёзилганди плакатлардан бирига. 18 миллион итальян уй-жой шароитининг яхшиланишига жуда муҳтож. Ҳар йили камида ярим миллион квартира қурилиши зарур. Ҳақиқатда эса атиги 270 минг квартирагина қуриляпти. Лекин Италия меҳнаткашларининг асосий бахтсизлиги квартира ҳақларининг юқори бўлишидадир. У ҳозир иш ҳақининг 30-50 процентини ташкил этади.

Италия касаба союзлари уй-жой масалалари соҳасида ислоҳот ўтказилишини талаб қилаётиб меҳнаткашлар қурби етадиган биналар қурилиши кенгайтиришга чақирмоқдалар. Ҳукумат шаҳар чегарасидаги хусусий ер эгалари томонидан ҳар бир метр турар жой учун белгиланган ақл бовар қилмайдиган юқори нархлар практикасини йўқотиши керак.

...Бранкаччо театри олдида кучайиб бораётган шовқин-сурон эшитилди. Сариқ ва тўқсариқ рангдаги тракторлар қатори пайдо бўлди. Уларга ўтирган юзлари шамолда қадир-будир бўлиб қорайиб кетган кишилар муштларини юқори кўтарар эдилар. Бу анъанали меҳнат табриги—қасамёд эди. Улар Рим ишчилари, хизматчилари, студентлари билан ўз бирдамликларини намойиш қилиш учун Лациодан келган деҳқонлар ва батраклар эди.

Иш ташлаш қатнашчиларининг яна бир талаби согликни сақлаш соҳасида ислоҳот ўтказилишидан иборат. Шу йил баҳорда Италияда жанжал кўтарилди: Махсус комиссия кўпгина ясли ва болалар боғчаларидаги талон-тарожликни, кўпчилик болалар муассасаларининг санитарияга хилоф аҳволда эканлигини аниқлади. Буларнинг кўпчилиги хусусий кишилар қўлида. Меҳнаткашлар ўз болаларини яслиларда тутишга қурби етмайди. «Камалак» деб аталган яслида боланинг бир ой туриши учун 90-100 минг лира пул тўлаш керак. Бу эса ишчи аёлнинг бир ойлик маошидан кўпроқ.

Ўничи талаб солиқ системасини ўзгартиришдан иборат. Капиталистларнинг кўп миллионни ташкил этадиган даромадлари даҳлсиз қолаётган бир пайтда солиқ сиёсатининг асосий оғирлиги қатъий маошли кишилар ва ўрта буржуазия зиммасига тушяпти.

Милан, Генуе ва юзлаб бошқа майда шаҳар ва қишлоқларда шу кунни корхоналар ёпиқ бўлди, савдо-сотиқ тўхтатилди, газеталар чиқмади, поезд ва автобуслар икки соат юришдан тўхтаб турди.

Италия меҳнаткашлари ўз касаба союзларининг чақирғига бирдамлик билан жавоб бердилар. 7 апрелда бўлиб ўтган иш ташлаш ўзининг аниқ характери билан бошқа кўпгина иш ташлашлардан ажралиб турди. Ҳозир ишчилар синфи ва меҳнаткаш деҳқонлар ҳокимиятнинг сўзи ва ишини назорат қилиб туришни истайдилар. Меҳнаткаш Италия касаба союзларининг бирдамлиги туфайли улкан, енгилмас куч бўлиб курашяпти. Бунинг билан ҳисоблашмай иложи йўқ.

В. АРДАТОВСКИЙ,
АПНнинг Италиядаги мухбири.

● «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг совғини учун

УЧИНЧИ МАРТА

СУРАТДА: Ўзбекистон ССР терма командасининг тренерлари В. Ким (чапда) ва А. Прут. Н. Надеждин фотоси.

Яқин вақтларгача самбочилари жиддий Бутуниттифоқ мусобақаларида Ўзбекистон республикамиз спортчилари ўз маҳоратларини тинмай ошириб бордилар. Мана эндиликда, Совет Иттифоқининг энг кучли самбочилари «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг совғини учун ўтказилаётган анъанавий мусобақада қатнашиш ҳуқуқи учун курашмоқдалар.

Совғин 1969 йили таъсис этилган эди. Ўша йилги мусобақаларда Совет Иттифоқининг ўн олти шаҳридан 24 команда қатнашди. Москва область Электросталь шаҳридан келган С. Власов катта спортга шу ердан йўлланма олди. Тошкентдаги галабадан сўнг Европа биринчилигида иштирок этган Власов ўсмирлар ўртасида қитъа чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Ўтган йилги турнирда мусобақа қатнашчиларининг сафи янада кенгайди. Г. Ким (Тошкент), Г. Скраглев, (Новосибирск) А. Белоусов (Тошкент), А. Афанасьев (Красноярск), М. Бурдиков (Горький областининг Котов шаҳри), А. Валиев (Термиз), А. Филимонов (Новосибирск), И. Каюмов (Куйбишев), Н. Афанасьев ва Н. Малютин (иккаласи ҳам Красноярскдан) ўз вазн тоифаларида ғолиб чиқишди. Кубокни иккинчи марта Тошкент динамочилари қўлга киритишди.

Турнир бош судьяси самбо курашининг асосчиси Анатолий Аркадьевич Харлампиев мусобақа тўғрисида Бутуниттифоқ федерациясига ҳисобот бериб, турнирнинг юксак савияда ўтганини қайд этди ва уни Бутуниттифоқ календарига киритишни таклиф қилди.

Бу йил турнир учинчи марта ўтказилади. Барча ўрта Осиё республикалари, Ўзбекистоннинг областлари, Владивосток, Братск ва Калининград шаҳарларининг самбочилари унда иштирок этиш истагини билдирдилар.

Совғин учун мусобақалар ўз жабҳаси жиҳатидан СССР биринчилигидан ҳеч қолишмайди. Турнирнинг ҳар вазн тоифасида кам деганда ўн спорт мастери қатнашади.

Мазкур мусобақаларга қизиқиш жуда катта. Чунки бу йил биринчи марта самбо курраши мустақил спорт тури сифатида спартакиада программасига киритилган ва самбочилар бу мусобақаларда СССР халқларининг V спартакиадаси олдидан сўнгги синовдан ўтадилар.

Ўзбекистонда самбо курашининг юксалиш даражасини ҳисобга олган Бутуниттифоқ самбо федерацияси шу йилнинг октябрь ойида Тошкентда самбо бўйича IV халқаро турнири ўтказишни мўлжаллямоқда. Бу турнирда Буюк Британия, АҚШ, Франция, Италия, Япония, Югославия, Монголия Халқ Республикаси ва бошқа чет эл мамлакатларининг энг кучли спортчилари қатнашадилар. Ҳамшаҳримиз халқаро класс спорт мастери Хушвақт Рўзиқулов ана шу мусобақаларда икки марта ғолиб чиққан. Турнирда майдон эгалари ҳуқуқидан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг икки терма командаси ҳам иштирок этади.

Э. ХАЙКИН.
республика судьялар коллегиясининг ранси, Бутуниттифоқ тоифадаги судья.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

тошкент оқшоми 3 бет

7 МАЙ, 1971 й.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ БИР ҲАФТАЛИК ПРОГРАММАСИ

10 МАЙ — ДУШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Рангли телевидение. Болалар учун. «Бор эканда, йўқ экан». 18.05 Эфирда «Молодость». Бутуниттифоқ комсомол йиғилишига бағишланган кўрсатув. **Тошкент кўрсатади:** 18.35 Кўрсатувлар программаси. 18.40 Ўсмирлар учун. «ОРЗУ» программаси (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 19.20 Бутуниттифоқ комсомол йиғилишига бағишланган кўрсатув. 20.00 Пойтахтимиз — меҳмонлари. Танаффус вақтларида «Ахборот» информацион программаси (ўзбек ва рус тилларида). **Узбек тилида:** 22.30 Телевизион театр. Н. Никитин. «Қўқон воқеаси» Телеспектаклининг 3-қисм премьераси. 23.50 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 24.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. 11.30 География 5-синф. «Дунё аҳолиси». Миклуха Маклай ирқлар ҳақида (рус тилида). 12.00 Ўқув фильми. 12.25 География. 5-синф. «Дунё аҳолиси». Миклуха Маклай ирқлар ҳақида (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 18.35 Санъат фестивали. «Москва юлдузлари». Концерт. 19.20 Рангли телевидение. «Совет Грузияси мўйқалам асарларида». 19.50 ЯНГИЛИКЛАР. 20.00 «Дон янги харитада». Телеочерк. 20.30 «Филателистнинг ўлими». Бадиий фильм. 21.45 Рангли телевидение. Мўзикали кўрсатув. 22.45 Ҳужжатли фильм. 23.00 «Думалоқ стол». Телевизион ҳужжатли фильм.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади 17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Москва кўрсатади. 18.35 Экран — болаларга. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Ҳар доим постда». 19.45 «Бугун — агитпунктда». Репортаж. 20.15 Мўзикали экран. 21.00 Оқшом эртаклари. 21.10 «Севимли артистларимиз». М. Камолова. 22.10 Янгиликлар. 22.25 «Ўзимизники». Бадиий фильм (тожик тилида).

11 МАЙ—СЕШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. 11.30 Адабиёт. 10-синф. Имтиҳонга қандай тайёрланиш керак? (рус тилида). 12.00 Ўқув фильм. 12.25 Адабиёт. 10-синф. Имтиҳонга қандай тайёрланиш керак? (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 17.35 Ўқувчилар учун. «Пионерия». 18.00 Миллионлар ленинча университети. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 19.05 Телевизион қўғирчоқ театри. 19.35 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! Қишлоқ хўжалик фильмлари телевизион фестивали. **Рус тилида:** 20.00 Пойтахтимиз меҳмонлари. Танаффус вақтида «АХБОРОТ» информацион программаси. **Узбек тилида:** 22.45 «АХБОРОТ» информацион программаси. **Москва кўрсатади.** 23.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ДИНАМО» (Москва) — ЦСКА. 2-тайм. 23.45 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.15 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа Москва кўрсатади. 18.30 Рангли телевидение. Концерт. 19.15 Бадиий гимнастика бўйича халқаро учрашувлар. Болгариядан олиб кўрсатилади. (Ёзиб олинган). 20.00 Янгиликлар. 20.10 А. Пушкин. «Борис Годунов». Телевизион спектакль. 22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ДИНАМО» (Минск) — ЦСКА. 1-тайм.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. Узбек тилида: 18.00 Физика. 9-синф. «Космик учишнинг физик қонунлари». Ўқув фильми. 18.30 Биология. 10-синф. Биоценозлар. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 20.00 Классик музика саҳифаларида. 20.40 «Шаҳарлар ва дарёлар». Ҳужжатли фильм. 21.00 «Мамлюк». Бадиий фильм.

12 МАЙ—ЧОРШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.00 Кўрсатувлар программаси. 13.05 Янгиликлар. 13.15 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Порлаб юлдузча». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 13.45 Москва кундузги кўрсатувларининг охири. **Тошкент кўрсатади.** 17.50 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 17.55 Ўқувчилар учун. «Бахтимиз учун курашганлар». 18.25 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). 18.35 Андижон чет тиллар институти бадиий ҳаваскорларининг концерти. 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Ён уч қалдиргоч изидан». **Москва кўрсатади.** 20.40 Ҳужжатли фильм. 21.00 Янгиликлар. 21.05 Совет Грузияси — 50 ёшда. Грузия ССР Коммунистик партияси Марказий Комитети секретарининг чиқиши. 21.15 «Грузия маркази билан». Грузия саноати — 50 йил ичида. 21.45 Қишлоқ янгиликлари. 22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «ДИНАМО» (Москва) — «ДИНАМО» (Киев). Танаффус вақтида киножурнал. 00.15 «Вақт» информацион программаси. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Рангли телевидение. Болалар учун мультфильмлар. 18.15 Концерт. 19.00 Спорт кундалиги. 19.30 Санъат фестивали. «Москва юлдузлари». Балет кечаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.40 Саноат ходимлари учун кўрсатув. 21.00 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси ўйғур ансамблининг концерти. 21.10 «Кўзгудаги сув париси». Бадиий фильмнинг биринчи серияси.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. 18.00 Физика. 9-синф. «Космик учишнинг физик қонунлари». Ўқув фильми (рус тилида). 18.30 Биология. 10-синф. Биоценозлар (рус тилида). 19.00 Сиртдан ўқиётган 2-курс студентлари учун. Немис тилидан 12-машғулот. 19.30 Сиртдан ўқиётган 2-курс студентлари учун. Инглиз тилидан 12-машғулот. **Рус тилида:** 20.00 «Ўтмиш билан учрашув». Бадиий фильм. 21.40 «Азимут». Табиат, саёҳат, изланиш. 22.20 «Ушалган орзулар». Телевизион фильм.

13 МАЙ— ПАЙШАНБА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 17.30 Кўрсатувлар программаси. 17.35 Ўқувчилар учун. «Чарм тўп» мукофоти учун. 18.00 Рангли телевидение. Тасвирий санъат усталари. 18.30 Миллионлар ленинча университети. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Ахборот» информацион программаси. 19.20 КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА! Электротехника заводидан репортаж. **Узбек тилида:** 19.45 ГРУЗИЯ ССР ВА ГРУЗИЯ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММА. 21.30 Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт. 22.00 Идмий коммунизм мактаби. 22.15 «Ахборот» информацион программаси. 22.30 «Ассалом, театр!». Мўзикали кўрсатув.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Рус тилида: 18.00 Болалар учун. «Девор». Телевизион бадиий фильм. 18.15 Шеърият мухлисларига. Р. Фарҳодий. 18.40 «Сизни аэрофлотга таклиф этамиз». Реклама. **Москва кўрсатади.** 19.00 Санъат усталарининг концерти. Кўрсатув Ленинграддан олиб берилади. 19.30 Г. Абашидзе шеърлари. 19.55 Янгиликлар. 20.05 Бадиий фильм. 21.30 Бадиий ўқиш. В. Катаев. «Виадук». Авторнинг ўзи ўқийди. 22.00 «Москва юлдузлари» санъат фестивалининг якуловчи концерти. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. 23.10 «Вақт» информацион программаси. 23.40 «Москва юлдузлари» санъат фестивали якуловчи концертининг давоми. 00.45 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. Узбек тилида: 19.00 Ўқув кўрсатувлари программаси. Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 20.00 «Мурманск қирғоқларида». Кинофильм. 20.20 «Хевсур қиссаси». Бадиий фильм. **Рус тилида:** 21.45 Врач маслаҳати. 22.05 «УЗОҚ НУҚТАДА». Телевизион бадиий фильм.

14 МАЙ— ЖУМА

Биринчи программа. Москва кўрсатади. 13.30 ГРУЗИЯ ССР ВА ГРУЗИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРСАТУВ. Тбилисидан олиб кўрсатилади. Кўрсатув охирида концерт ва янгиликлар. **Тошкент кўрсатади.** 19.00 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 19.05 «Ассалом, устоз». Юқори синф ўқувчилари учун программа. 19.45 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 20.00 Миртемирнинг адабий портрети. 21.00 «АХБОРОТ» информацион программаси. 21.15 «Оқ олтин» ижодкорлари. Телевизион фильм. 21.30 «Коз-неъмат» бунёдкори программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 Санъат усталарининг байрам концерти. Тбилисидан олиб кўрсатилади. 24.00 ГРУЗИЯ ССР ВА ГРУЗИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН РЕПОРТАЖ (ёзиб олинган). 01.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Москва кўрсатади. 18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 Рангли телевидение. «Грузиянинг ўтмиши ва ҳозирги истиқболи». Ҳужжатли фильм. 19.45 «Ярим аср жанговар йўлда». Чехословакия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги олдидан. 20.05 Янгиликлар. 20.15 Рангли телевидение «Сен қаердасан?» Телеспектакль. 21.45 Ҳужжатли фильм. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Зирапча». Бадиий фильм. (Ўзбек тилида).

Учинчи программа. Узбек тилида: 20.00 Танбур ва дутор тароналари. **Рус тилида:** 20.40 «Мусиқали лавҳа». Фильм-концерт. 21.05 «Галилео Галилей». Бадиий фильм.

15 МАЙ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. **Узбек тилида:** 10.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари». **Москва кўрсатади.** 10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Янгиликлар. 11.05 Телевизион халқ университетлари «Фан ва техника факультети». 11.45 Рангли телевидение. Болалар учун. Мультфильм. 12.00 Маданият факультети. Совет театри тарихидан. 12.45 Талабларга мувофиқ концерт. 13.15 Рангли телевидение. Болалар учун. «Бор эканда, йўқ экан». 13.45 Ҳужжатли фильм. 14.30 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. **Тошкент кўрсатади.** 16.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 17.00 Болалар учун мультфильм. 17.20 «Ахборот» информацион программаси. **Узбек тилида:** 17.30 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Газалхон ёшлигим». 18.30 «Ахборот» информацион программаси. 18.45 «Эстрада шинавандалари, сизлар учун». 19.25 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 19.30 Спорт гимнастикаси бўйича Европа чемпионати Эркаклар. Мадриддан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган). 21.00 Янгиликлар. 21.05 Штраусниинг «Кўршапалак» операттаси. 23.45 «Вақт» информацион программаси. 00.15 Москва кўрсатувларининг охири.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув кўрсатувлари программаси. 11.00 Ота-оналар учун консультация (ўзбек тилида). **Сиртдан ўқиётган студентлар учун.** 11.30 Француз тилидан 27-машғулот. 12.00 «Техника электроникаси» (ўзбек тилида). 12.30 Олий математика (ўзбек тилида). 13.30 Олий математика (рус тилида). 14.30 Ўқитувчилар учун консультация (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 15.00 Экран дўстларни чорлайди. 16.00 «Варшава шартномаси қатнашчиларининг жанговар иттифоқи». 17.10 Мўзикали учрашувлар. Композитор А. Эшпай. 17.40 Рангли телевидение. «Ҳайвонотлар оламида». 18.50 Бадиий асарларни экранлаштириш. «Тойча». Телевизион бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 19.30 «Мўзикалар маскани». Цирк программаси. 20.10 Ўзбекистон XV спартакиадасининг кундалиги. 20.35 «Яхши кайфият». Реклама. 20.55 Ялла ва рақслар. 21.35 «Кўзгудаги сув париси». Бадиий фильмнинг 2-сериясн.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 18.50 Янгиликлар. 19.00 Ўқувчилар учун. «Светофор». 19.15 «Жўра саркор». Бадиий фильм (тожик тилида). 20.20 «Сўз ва иш». 20.40 Музикали экран. 21.00 Оқшом эртаклари. 21.10 «Кинокамера билан саёҳат». 21.50 «Ешлар куйлайди ва рақсга тушади». 22.50 Янгиликлар. 23.05 «Занғори антология». 23.45 Москва кўрсатади.

16 МАЙ—ЯКШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Ўқувчилар учун. «Сенинг дўстинг» (рус тилида). 10.35 Болалар учун концерт (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 10.55 Кўрсатувлар программаси. 11.00 Янгиликлар. 11.05 Болалар учун. Мультфильм. 11.15 Юқори синф ўқувчилари учун. «Узоқ ва яқин арктика». 12.15 Янгиликлар. 12.30 Ўқувчилар учун. «Будильник». Музикали программа. 13.00 Саноат корхоналаридан репортаж. 13.30 Музикали киоска. 14.00 «Бирдамлик қонуни». Халқаро программа. **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 Ўзбекистон XV спартакиадасининг тантанали очилиши. Марказий «ПАХТАКОР» стадионидан олиб кўрсатилади. 19.00 «Ахборот» информацион программаси (рус тилида). **Узбек тилида:** 19.20 «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «СТУДЕНТЛИК—ОЛТИН ДАВРИМ». 20.10 «Уч ёқлама текширув». Бадиий фильм. 21.40 Ҳинд кинофильмларидан куйлар. 22.20 «Ахборот» информацион программаси. 22.40 «Назм ва наво». **Москва кўрсатади.** 24.00 «ВАҚТ» информацион программаси. 00.30 Москва кўрсатувларининг охири.

Учинчи программа. Тошкент кўрсатади. 19.00 Футбол бўйича СССР биринчилиги учун. Олий лиганинг иккинчи группасида қатнашувчи. «ПОЛИТОТДЕЛ» — «ДИНАМО» (Кировобод) командаларининг учрашуви. Танаффус вақтида кинофильм.

„Қочиш"

(2 СЕРИЯ)

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИ

«МОСФИЛЬМ» киностудияси маҳсулоти.

СЕАНСЛАР: кундуз соат 1 ярим, 5 ва кеч 8 яримда бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинади.

ЭНГЕЛЬС НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

1971-72 ўқув йили учун кечки ва сиртқи факультетларининг инглиз, немис, француз тиллари мутахассислиги бўйича студентлар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризалар қуйидаги ҳужжатлар: маълумоти ҳақидаги ҳужжат (асли). характеристика. автобиография. 286 формадаги медицина справкаси, 4 дона фото сурат. (бош кийимсиз 3х4 сантиметр ҳажмида). турар жойидан справка. меҳнат дафтарчасидан кўчирма билан 31 майгача қабул қилинади. Паспорт, ҳарбий билет ёки рўйхатга турганлиги ҳақидаги гувоҳнома шахсан кўрсатилади.

Кириш имтиҳонлари — 1 июндан 20 июнгача ўтказилади.

ҲУЖЖАТЛАР: Тошкент-31, Саперная кўчаси, 11-уйга юборилсин.

«Фенотиазин қатори ва улярга ўхшаш трициклик тузилишли психотропин препаратларнинг хоссаларини текшириш» деган темада:

О. А. Бейко: «Жанубий Ўзбекистондаги Кокайти нефтининг бензин керосин дистиллатларидаги сульфидларини детал текшириш» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет илмий кутубхонаси (Студентлар шаҳарчаси, 4-уй) да танишиш мумкин.

20 май кундуз соат 2 яримда В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети тарих факультетининг илмий даражалар берувчи илмий совет кенгаши (Студентлар шаҳарчаси, ТошДУ, Бош корпус, Г-304 аудитория)да тарих фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун

Г. П. Вороновская: «Саноат соҳасида Ўрта Осиё республикалари иқтисодий ҳамкорлигини мустаҳкамлашда партия-совет матбуотининг роли» деган темада:

В. Я. Зеликов: «Матбуот-колхоз тузумининг галабаси учун кураша Киргизистон партия ташкилотининг жанговар қуроли» деган темада.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан университет илмий кутубхонаси (Студентлар кўчаси, 4-уй)да танишиш мумкин.

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги А. Навоий номли 40-ўрта мактаб томонидан Арибжонов Шокиржон номига берилган 244196 номерли йўлдолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЙЎЛОВЧИЛАР АВТОБУС ПАРКИГА

(С. Раҳимов станцияси, Чош-Тепа кўчаси).

1, 2 класс шоферлари, 3 йиллик стажи бор бўлган 3 класс шоферлари (ойига 100 сўм стипендия билан 3 ойлик курсларда ўқитиш учун, курслари тугатган шоферларга автобусларни ҳайдаш учун иш берилади) 1—5 разрядли автослесарлар, токарлар, газ-электр пайвандчилар

КЕРАК

Ёлғиз кишиларга ётоқхона берилади.

Республика «УЗМЯСОРЫБТОРГ»

УЛГУРЖИ КОНТОРАСИГА

Олтинкўл кўчаси, 2 проезд 115-уй,

бош бухгалтер ўринбосари, Тошкент хладокомбинатига бош бухгалтер

КЕРАК

«ТАШЗАГОТПЛОДООВОЩТОРГ»ГА

(Черешнева кўчаси, 55-уй, телефон 55-16-18)

доимий ва вақтинча ишлаш учун ҳар хил маланали ҳисоб ишчилари ва чакана савдо бўлимида ишлаш учун машинаҳисоб бюроси бошлиғи

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси, ҳамда район инкроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 7 МАЙ, 1971 Й.

«Вечерний Ташкент» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор —33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар —33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари — 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлимлари—33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар—33-27-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари —33-27-57, саноат, транспорт ва қурилиш бўлимлари —33-27-03, ахборот бўлими 33-28-95, эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64579. НАШР А—2545, Р—02502.